



КУН РАҚАМИ

2025 йилда “Самұрық-Қазына” жамғармасы маҳаллий маҳсулот ишлаб чиқарувчилардан 721 миллиард тенгелик товар харид қилди. Жами 497 маҳаллий ишлаб чиқарувчи билан 7 227та шартнома тузилди.



janubiy.kz

Жанубий Қозоғистон

1991 йил 5 апрелдан чиқа бошлаган
Сешанба, пайшанба ва шанба кунлари чиқади

2025 йил 21 октябрь, сешанба, №113 (3614).

»» Президент

Президент қутқарувчиларни касб байрами билан табриклайди



Қасим-Жўмарт Тўқаев фуқароларни ҳимоя қилиш соҳаси ходимларини касб байрами муносабати билан табриклайди. Давлат раҳбари мамлакат хавфсизлиги ва халқ фаровонлиги йўлида хизмат қилаётган қутқарувчиларни “Тинчлик даври қаҳрамонлари” деб атади.

Президентнинг сўзларига кўра, кейинги йилларда табиий офатлар вақтида кўрсатилган мардонавор ва жасоратли ҳаракатлар — қутқарувчиларнинг юксак масъулияти ва фидойилигидан далолатдир. Сўнгги беш йил ичида улар 225 мингга яқин инсон ҳаётини сақлаб қолишган.

Давлат раҳбари сўнгги йилларда соҳага катта эътибор қаратилганини таъкидлади: фавқулодда вазиятлар вазирлиги қайта ташкил этилди, соҳани молиялаштириш икки ярим бараварга оширилди, 1700дан зиёд янги техника харид қилинди ва 40дан зиёд ёнғинга қарши хизмат деполари барпо

этилди. Шу билан бирга, қутқарувчиларнинг маоши 77 фоизга оширилиб, қўшимча имтиёзлар жорий этилди.

Қ. Тўқаевнинг таъкидлашича, фуқаролар хавфсизлигини таъминлашда рақамлаштириш ва замонавий технологияларни жорий этиш муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, жамоатчилик, оммавий ахборот воситалари ва таълим муассасалари ҳам бу йўналишда фаол ҳамкорлик қилиши лозим.

Тадбир якунида Президент хизмат бурчини бажаришда жасорат ва матонат кўрсатган бир гуруҳ қутқарувчиларни давлат мукофотлари билан тақдирлади.

ХАЛҚАРО АНДАЗАЛАР ТИЗИМИДА ИШОНЧЛИ ҲАМКОР



Президент Қасим-Жўмарт Тўқаев Халқаро андазалаштириш ташкилоти (ISO) Бош котиби Серхио Муҳикани қабул қилди.

Учрашувда Давлат раҳбари ISO'нинг жаҳон савдоси, инновациялар ва барқарор тараққиёт асосларини белгилаб берадиган нуфузли халқаро тузилма сифатидаги ўрнини алоҳида таъкидлади.

Қ. Тўқаев таъкидлаганидек, Қозоғистон билан ISO ўртасида рақамли трансформация ва барқарор тараққиёт соҳаларида ҳамкорлик учун улкан салоҳият мавжуд.

Ўз навбатида Серхио Муҳика Қозоғистоннинг миллий андазалаштириш тизими ва рақамли технологияларни ривожлантириш борасидаги саъй-ҳаракатларини юксак баҳолади. Шунингдек, мамлакатнинг ISO фаолиятидаги фаол иштироки ҳамда халқаро андазаларни жорий этишга тайёрглигини эътироф этди.

Сўхбат якунида томонлар ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлаш ва янги йўналишларда қўшма ташаббусларни амалга оширишга тайёр эканликларини билдирдилар.

Kazinform.

Ноябрь ойида об-ҳаво қандай бўлади?

“Қазгидромет” маълумотларига кўра, ноябрь ойида мамлакат бўйлаб об-ҳаво кескин ўзгарувчан бўлади.

Айниқса, Туркистон вилояти ва Шимкент шаҳрида ой бошларида ҳаво нисбатан илқ сақланса-да, ой ўрталарида келиб қор аралаш ёмғир ёғиши кутилмоқда.

Синоптикларнинг маълумотларига кўра, Шимкент шаҳрида ойнинг биринчи ўн кунлигида ҳаво ҳарорати кечаси 3-8 даража, кундузи эса 12-18 даражагача илқ бўлади. Бироқ ойнинг иккинчи ярмида шомол кучайиб, ҳарорат 0 даража атрофига пасайиши кутилмоқда.

Туркистон вилоятининг айрим туманларида эрталаб туман тушиши, кечаси эса -3 даражагача совуқ кузатилиши эҳтимол қилинмоқда.

Ҳаво мутахассислари маълум қилишича, вилоят ҳудудида ой давомида ёмғир, ой охирида эса қор аралаш ёмғир ёғиши мумкин. Шу боис, қишлоқ хўжалиги билан шуғулланувчи аҳолига сўғориш ишларини вақтида якунлаш ва экинларни совуқдан ҳимоя қилиш чораларини кўриш тавсия этилади.

Республика миқёсида эса ноябрь ойида ҳаво ҳароратининг тез-тез ўзгариб туриши табиий ҳол бўлади.

Шимолий, марказий ва шарқий ҳудудларда ой охирига келиб ҳарорат кечаси -15, кундузи -10 даражагача тушиши мумкин.

Жанубий вилоятларда, жумладан,



Жамбил ва Қизилўрда ҳудудларида, кечаси 3-10 даража, кундузи 8-16 даража илқ об-ҳаво сақланиши кутиляпти.

Синоптикларнинг таъкидлашича, жорий йил ноябрь ойида республика бўйлаб ҳаво ҳарорати меъёрдан бир даража юқори, ёнғингарчилик эса айрим ҳудудларда меъёрдан биров кўп бўлиши кутилмоқда.

Мутасаддилар аҳолини кескин об-ҳаво ўзгаришларига тайёр бўлишга чақирмоқда.



ДЎСТЛИКДАН КИШИЛАР ТОПГАЙ САОДАТ

Қозоғистон истиқлолнинг илк йиллариданоқ миллатлараро тўтувлик ва барқарорликни устувор йўналиш сифатида белгилади. Мамлакат ҳудудида истиқомат қилаётган 150дан зиёд миллат ва элат вакиллари ўзаро ҳурмат, дўстлик ва ҳамжиҳатликда умргузаронлик қилмоқда.

Бу йўлда Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ғоя — Қозоғистон халқи Ассамблеясини ташкил этиш ташаббуси тарихий аҳамият касб этди. Ассамблея тил, маданият ва урф-одатларни сақлаш, миллатлараро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш орқали юртимизда тинчлик ва барқарорликни таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.



1995 йил 1 март куни Президент ҳузурида маслаҳат-кенгаш тузилмаси сифатида ташкил этилган Қозоғистон халқи Ассамблеяси 30 йиллик фаолияти давомида “Миллатлараро тўтувликнинг қозоғистонча андазаси”ни яратди. 2007 йилда Ассамблеяга конституциявий мақом берилиши унинг нуфузини янада юксалтирди.

Ассамблея вакиллари миллатлараро ва динлараро тўтувликни мустаҳкамлаш йўлида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Тинчлик ва барқарорлик ҳукмрон юрtda “Қозоғистон — 2050” стратегияси амалга оширилиб, мамлакатни дунёнинг энг ривожланган 30 мамлакат қаторига қўйиш мақсади йўлида изчил қадамлар ташланмоқда.

ИЛК ҚАДАМЛАР ВА ФИДОЙИЛАР

— Собик Иттифоқда ошкоралик ва қайта қуриш сиёсати бошланган даврда қозоғистонлик ўзбеклар ҳам миллий ўзлигини англаш, маданият ва тилни асраш мақсадида жамоат ташкилотини тузиш ташаббуси билан чиққан, — дейди Қозоғистон ўзбеклари “Дўстлик” ҳамжамияти раиси Икромжон Ҳошимжонов. — 1989 йил 28 ноябрь куни Шимкент шаҳридаги вилоят филармонияси биносидан илк қурултой ўтди. Унда шаҳар ва вилоят раҳбарлари, жамоат арбоблари, зиёлилар ҳамда Ўзбекистондан ташриф буюрган меҳмонлар иштирок этди.

Қурултойда Шимкент шаҳар ўзбек маданият марказига асос солиниб, унинг Низоми ва иш дастури тасдиқланди. Илк раҳбар этиб физика-математика фанлари номзоди, Шимкент педагогика институти катта ўқитувчиси Собиржон Нурматов сайланди.

Марказнинг ташкил этилишида Шукрулла Муҳаммаджонов, Эргаш Йўлдошев, Икром Ниёзов, Собиржон Нурматов, Абубакир Қорахўжаев, Эшпўлат Қирғизбоев, Ирисмат Юнусматов, Фарход Асиров, Турдали Усмонов каби фидойи инсонлар салмоқли ҳисса қўшдилар.

Марказ қисқа муддатда фаолият доирасини кенгайтириб, Сайрам, Туркистон ва бошқа туманларда ҳам худудий бўлимлар ташкил этилди. Бу халқаро ҳамжиҳатликни мустаҳкамлашда янги босқични бошлаб берди.

“ДЎСТЛИК БАЙРОҒИ” — ЎЗБЕКЗАБОН ЖУРНАЛИСТИКАНИНГ ЯНГИ ДАВРИНИ БОШЛАБ БЕРГАН НАШР

Қозоғистонлик ўзбеклар орасида миллий матбуотга эҳтиёж кучли эди. Шу боис, Шимкент шаҳар ўзбек маданият марказининг иш режасида

вилоятимиздаги ўзбек жамоаси учун давлат ижтимоий-сиёсий газетасини ташкил этиш вазифаси белгиланди.

Юсуфжон Сайдалиев, Ирисали Жуманов, Абдурахим Пратов, Муроджон Абубакиров, Иброҳим Хуккиев каби фаолларнинг ташаббуси билан юқори ташкилотларга расмий хатлар йўлланди. Газетага асос солишда унинг молиявий асосини белгилаш ҳам муҳим масала бўлди. Бу йўналишда раис муовини Фарход Асиров ва вилоят босмахонасининг бош муҳандиси Турсунбой Бўроновлар залворли меҳнат қилишди.

Масала ижобий ҳал этилиб, мустақил Қозоғистон тарихида илк ўзбекзабон давлат наشري — “Дўстлик байроғи” (бугунги “Жанубий Қозоғистон”) газетаси 1991 йил 5 апрелдан эътиборан чоп этила бошлади. Рўзнома — янги ахборот манбаи халқимиз фарига айланди. Унинг дунёга келиши вилоятимизда миллий матбуотнинг шаклланишига туртки берди.

1991 йил вилоят миқёсида буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг 550 йиллик таваллуд айёми ҳам катта тантана билан нишонланди. Вилоят филармониясининг сахнасида ўтган анжуманда маҳаллий зиёлилар билан бирга Ўзбекистондан ҳам бир қатор ёзувчи ва олимлар — Ўткир Ҳошимов, Умарали Норматов, Мирзо Кенжабеклар иштирок этди. Шу йилларда марказ ўзбекистонлик санъаткорларнинг концерт дастурларини анъанага айлантирди, иходий учрашувлар ташкил этди.

Бироқ вақт ўтиши билан шаҳар ва туман марказлари ўртасидаги ҳамкорликни мувофиқлаштириш зарурати туғилди. Шунинг учун зиёлилар вилоят миқёсида ягона ташкилот — вилоят ўзбек маданият марказини ташкил этиш ташаббуси билан чиқдилар.

1992 йил 26 февраль куни Шимкент шаҳридаги Давлат савдо ходимлари клубида бўлиб ўтган қурултойда марказга расман асос солинди. Унга бир овоздан вилоят фахрий фуқароси, давлат ва жамоат арбоби Маҳаммадрасул Исоқов раис этиб сайланди. Қурултойда марказнинг Низоми, тафтиш комиссияси ва иш дастури тасдиқланди, оқсоқоллар, хотин-қизлар кенгашлари ҳамда ёшлар ва санъаткорлар уюшмалари ташкил этилди.

Шу тариқа, “Дўстлик байроғи” газетаси ва вилоят ўзбек маданият маркази бир-бирини тўлдирган ҳолда миллатимиз маънавияти ва бирдамлигининг таянчига айланди.

А. АБДУФАТТОҲ.

(давоми бор).

ФИДОЙИ ҚУТҚАРУВЧИЛАР ШАРАФЛАНДИ



Kazinform. Туркистон шаҳрида Фавқулодда ва-зиятлар хизмати ташкил этилганининг 30 йиллиги ҳамда “Қутқарувчилар куни” муносабати билан тантанали тадбир ўтди.

Йиғилишда Туркистон вилоят ҳокимининг ўринбосари Ертай Алтаев соҳа фахрийлари ва хизматчиларини самимий табриклаб, уларнинг эл осойишталиги йўлидаги фидокорона меҳнатини алоҳида эътироф этди. Тадбирда ўз касбига садоқат билан ёндашган бир гуруҳ қутқарувчилар вазирлик ҳамда вилоят Фавқул-

да вазиятлар бошқармаси раҳбариятининг фахрий ёрлик ва кўкрак нишонлари билан тақдирланди. Бугунги кунда Туркистон вилояти Фавқулодда ва-зиятлар департаментида 1600дан зиёд ходим аҳоли хавфсизлиги, юрт тинчлиги ва инсон ҳаёти муҳофазаси учун сидқидилдан хизмат қилмоқда.



ҚЎШНИЛАРДАН ЎРГАНАДИГАНИМИЗ БИСЁР

Яқинда бир гуруҳ меъморлар билан бирга Ўзбекистон Республикасининг қадимий шаҳарлари – Самарқанд ва Бухорога хизмат сафари билан бордик. Сафар давомида тарихий-маданий мерослар ва замонавий меъморчилик ютуқлари таҳлил қилиниб, илғор тажрибалар ўрганилди. Бу ташриф биз учун касбий малака ошириш ва шаҳарсозликда янги ғояларни амалиётга татбиқ этиш йўлида муҳим қадам бўлди. Туркистон шаҳрининг рағнақига йўналтирилган стратегик режаларни такомиллаштиришда ушбу сафар аини муддао бўлди, бундан ташқари, меъморий, маданият ва сайёҳлик соҳаларида ҳали амалга ошириш зарур бўлган ишларимиз оз эмаслигини англадик. Самарқанд – Буюк Ипак Йўли бўйида жойлашган маънавий, илмий ва меъморчилик маркази сифатида дунёга танилган



шаҳар Амир Темуր даврида барпо этилган бекиёс обидалар – Регистон майдони, Бибихоним масжиди, Шоҳи-Зинда мажмуаси, нафақат меъморий жавоҳирлар, балки, бутун тамаддуннинг бой меросидир. Бухоро эса минглаб йиллик тарихга эга, мадрасалари ва масжидлари орқали ислом тараққиётининг асл хазинасини ўзида жо айлаган жонли музей каби қадим шаҳар. Самарқанд ҳам, Бухоро ҳам – туркий олам учун муқаддас макондир. Ушбу шаҳарларда сақланган ўрта асрга оид шаҳарсозлик мажмуалари, ислом санъатининг нозик ун-



сурлари, меъморий қиёфалар Туркистон руҳиятига яқин. Шу жиҳатдан Туркистон ҳам ушбу улкан тамаддун занжирининг узвий бўғинидир. Сафар давомида ҳайратланарли жиҳат – қадимий ва замонавий қиёфаларнинг ҳамоханглиги. Икки шаҳарда ҳам тарихий меросни сақлаган ҳолда замонавий қурилиш билан уйғунлик таъминланган. Бу ҳозирги кунда меъморий тараққиётда муҳим тамойил ҳисобланади. Туркистон шаҳридаги Хожа Аҳмад Яссавий мақбарасининг атрофини ободонлаштиришда худди шундай меъёрга риоя қилиш – бош тамойилларимиздан. Зеро, тарихни асраб, замон талабларига мос муҳит яратиш – миллат олдидаги масъулиятдир. Шунингдек, маҳаллий ҳокимлик ва хусусий шўъба ўртасидаги самарали ҳамкорлик, сайёҳлик соҳасини рақамлаштириш ва хизмат сифатини ошириш борасидаги тажрибалар ҳам диққатга сазовор бўлди. Буларнинг барчаси Туркистон шаҳрининг сайёҳлик салоҳиятини кўтаришда бизга ҳам зарур дастаклар эканлигига амин бўлдик. Хизмат сафари Туркистонни туркий оламнинг маданий-маънавий маркази сифатида янада ривожлантириш бўйича янги ғоя ва ечимларни илгари суриш учун замин яратади. Меъморий ечимларда анъана ва инновацияни уйғунлаштирган ҳолда аҳоли ва сайёҳларга тарихий қиёфани сақлаган ҳолда замонавий инфратузилмага эга муҳитни шакллантириш – бош мақсадимиз.

Азимбек ПАЗИЛБЕКУЛИ,
Туркистон шахри ҳокими.

»»» Ўтрор тумани ташкил топганига – 90 йил

ТАРИХ БИЛАН ҲАМНАФАС ДИЁР



Ўтрор тумани ҳақида сўз кетганда, бу муаззам гўшани “икки дарё қўшилиб, ҳудудга ҳаёт бахш этган қутлуг замин”, дея таърифлаш мумкин. Бу улканнинг гўзал ва бетакрор табиат манзараларидан баҳра олиш кишига ўзгача завқ бағишлайди. Бу юртда замин нафаси билан бирга, илму фан, ҳунар ва маданият ҳам тараққий этган. Ҳар бир тупроқ зарраси тарихдан сўз очади, ҳар бир тош остида тамаддун изларини учратиш мумкин. Бу ер – туркий олам маърифатининг бешиги, Абу Наср Форобий вояга етган муқаддас маскан. Бу ерда Буюк Ипак Йўли ўтган тепаликлар, ўтмиш маданиятини эслатиб туровчи манзаралар ҳаёлотингизни эртаклар оламига чорлайди. Қадимда савдо қарвонларининг йўли бўлган бу доvon буйлаб юришни кимлар орзу қилмаган, Ўтрор қалъасига кимлар маҳлиё бўлиб боқмаган, дейсиз!



Туркистон вилоятининг қадимий гўшаси Ўтрор тумани бу йил ўзининг 90 йиллик тўйини кенг нишонламоқда. Асрлар давомида туркий олам тамаддунининг бешиги бўлиб келган бу муқаддас заминда тарих, маърифат ва меҳнат шарафини улуғловчи байрамона тадбирлар бўлиб ўтди. Юбилей муносабати билан туман марказида “Баракали олтин куз” қишлоқ хўжалиги ярмаркаси ўтказилди. Унда деҳқонлар, чорвадорлар ва ҳунармандлар ўз маҳсулотларини намойиш этдилар. Миллий анъаналар ва маҳаллий ишлаб чиқарувчиларнинг юксак салоҳиятини акс эттирган ярмарка аҳоли томонидан катта қизиқиш билан қарши олинди. Тантанали маросим Ўтрордан етишиб чиққан буюк шахслар – тарих ва маданият арбобларига бағишланган шеърий мисралар ҳамда куйлар билан бошланди. Маданият арбоби Хадиса Шалабаева ижросидаги қўшиқ байрамга ўзгача руҳ бағишлади. Туман ҳокими Қайрат Жўлдибай тантанада сўзга чиқиб, аҳолини шодиёна билан табриклади.



– Ўтрор – мамлакат тараққиётига муносиб ҳисса қўшаётган замин. Бугунги ютуқларимиз – халқимиз меҳнати ва Ватанга садоқатининг натижаси. 90 йиллик тантана – ўтмишга эҳтиром, келажакка ишонч билан қадам қўйиш рамзидир, – деди ҳоким ўз нутқида. Тадбир доирасида қатор фидойи меҳнат фахрийлари, чорвадор-деҳқонлар ва туман тараққиётига ҳисса қўшган фаоллар тақдирланди. Шунингдек, “Улуғ дала юраги – Ўтрор: тарих, маданият ва замон” мавзуидаги илмий-амалий анжуманда олимлар, журналистлар ва жамоат арбоблари иштирок этди. Унда тумандаги маънавий ҳаёт, тарихий мерос ва сайёҳлик имкониятлари атрофлича муҳокама қилинди. Анжуман аввалида рассом Адилхан Маликнинг “Қадимий ва янги Ўтрор – тарих тумори” номли шахсий кўргазмаси очилди. Ўлкашунос Бекжан Бейсенбай “Ўтрордан етишган 30дан зиёд олим ҳақида” маълумот бераркан, қадимий Ўтрор кутубхонаси ҳақида ахборот берди. “Қутлуг масканим – Ўтрор” номли катта концертда халқ севган санъаткорлар – Мейрамбек Бесбаев, Ғазизхан Шекербек, Қуандиқ Раҳим, Дана Кентай ва бошқалар иштирок этиб, юрт ободлиги, меҳнат ва Ватан муҳаббати ҳақида куйлашди. Буюк бастакор Шамши Қалдаяқов таваллудининг 95 йиллиги, халқ шоири Аселхан Қалибековнинг 75 йиллиги, сатира устаси Кўпен Амирбекнинг 75 йиллиги муносабати билан тантаналар янада мазмунли ўтди.

“Жанубий Қозоғистон” мухбири.

Ф. МИРЗАҲМЕДОВ: “ВЛАДИВОСТОКДА СУРНАЙДА “КАТЮША”НИ ИЖРО ЭТГАНМАН”

САНЪАТНИ УЛУҒЛАГАН ҚАДРИ БАЛАНД ФИДОЙИ ҲАМҲҲҲИМИЗ ҲАЁТИ ЁШ АВЛОД УЧУН ИБРАТ

Мақоламиз қаҳрамони Файзулла Иброҳим ўғли Мирзаҳмедов 1954 йили 15 февралда Шимкент вилояти Туркистон туманига қарашли Қарноқ қишлоғида туғилган. 1969 йили ўрта мактабни битиргач, Тошкентдаги маданий-оқартув техникумининг musiқа факультетида таҳсил олди. Ўқшдан сўнг Россиянинг Владивосток шаҳрида ҳарбий бурчини ўтади. Қисм командири Харламов билан бамаслаҳат ҳолда ҳар куни эрталаб 1200 аскар хизматга отланиши олдидан аскар ҳамроҳи барабани, Файзулла Иброҳим ўғли эса сурнайни янгротиб “Катюша”ни ижро этгани шонли тарих.

Жамоат арбоби Собиржон Юсупов Қарноқ қишлоқ кенгашига раҳбарлик қилган йиллари қишлоқ клубида маданий тадбирлар ташкилотчиси сифатида фидокорона меҳнат қилиб, қишлоқ турғунларининг самимий олқишига сазовор бўлди. Халқимизнинг кўҳна musiқа асбоблари – доира, норада чалишни маҳорат билан эгаллаган. Ҳамқишлоқ санъат даргалари Ҳайдар Низомов, Абдусаттор Мурхонов, Умар Баделовларнинг ижодий санъат йўлини давом эттирмоқда.



Айни пайтда вилоят “Иззат” ансамблининг аъзоси. Ф. Мирзаҳмедов ўз хонадонида элимизнинг машҳур санъат арбоблари фаолияти ҳамда нодир musiқа асбоблари жамланган музей ташкил этган. Туркиянинг Ғази университети профессори, туркшунос олим, фан доктори Закир Авраш раҳбарлигида олимлар ушбу музей билан танишгач, хонадон соҳибининг фидойилигига тан бериб, унга университет номидан махсус медаль тақдим этди. “Вилоят ўзбек этномаданият

бирлашмасига 25 йил” китобида Файзулла Иброҳим ўғли ҳақида “Сурнайчи маҳорати” мақоласи нашр қилинган. Маориф соҳасида маънавият, маданият, хайрия ишларига муносиб ҳисса қўшган. Ўз ташаббуси билан қадрдон қишлоғидаги М. Қошғарий номи, Қарноқ, Чоштепа, “Ақын-тума” мактаблари кутубхоналарига ҳар бирига 100, жами 400 донга ўзбек, қозоқ, рус тилларидаги бадиий китоблар тақдим этиб, устозлар, ота-оналар ва ўқувчилар миннатдорчилигига сазовор бўлди. Халқаро Амир Темур хайрия жамғармаси, қишлоқ оқсоқоллар кенгаши аъзоси сифатида ёш авлодни тарбиялаш ишларида фаол. Қўстанай вилоят ўзбек этномаданият маркази бошқарувининг фахрий аъзоси. Файзулла Иброҳим ўғлининг кўп йиллик самарали меҳнатлари муносиб тақдирланган. Собиржон Юсупов раҳбарлигидаги Қарноқ қишлоғининг 2000 йиллик юбилей тўйига тайёргарлик ва ўтказишда қишлоқ ўЭМБ раиси Ҳусан Садиров етакчилигида кўрсатган фидокорона меҳнатлари учун “Қарноқ-2000”, Кентов шаҳри ҳокимининг “Қала жанашыры”, Жанубий Қозоғистон вилояти

ўЭМБ “Жамоат фидойиси”, “Ҳурмат” жамоа бирлашмасининг “Ынтымақ”, Туркистон шаҳар ўЭМБ бошқарувининг “Ибратли фуқаро”, “Қозоғистон ватанпарвари” кўкрак нишонлари билан тақдирланган. Республика, вилоят, шаҳар кўламидаги “Ташаккурнома”, “Қутлов”лар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Файзулла Мирзаҳмедов Туркистонда давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Тўқаев иштирокида тантанали очилган вилоят “Дўстлик уйи”да ўзбек маданияти, санъатига бағишланган бўлимини жиҳозлашда ўз уй-музейидаги нодир musiқа асбобларини тақдим этганлиги шонли тарих. Яқинда “Дўстлик уйи”да Баҳодир Ирисметов раҳбарлигидаги вилоят ўЭМБнинг “Ўзбек тили, маданияти ва анъаналари” байрами доирасида ўтган нуфузли тадбирда мақоламиз қаҳрамони ҚР “Дўстлик” ҳам-жамиятининг раиси Икромжон Ҳошимжонов имзолаган фахрий унвон сертификати тантанали тақдим этилди. Ушбу ҳужжатда: “Қарноқ қишлоғининг фахрий отахони, ҳаётини санъат соҳасига бахшида этган моҳир созанда, Кентов, Саврон, Сўзоқ, Туркистон, Шимкент,



Қизилўрда, Қўстанай, Астана ҳамда Самарқандда эл бирлиги тараннум этилган расмий анжуманларда ўзбек сурнай навосини янгротиб, эл-юрт хизматини қозонган фидойи санъат устаси Файзулла Мирзаҳмедов “Қозоғистонда хизмат кўрсатган фидойи сурнайчи” фахрий унвони билан тақдирланади”, деб ёзилган. Мукофотни Қарноқ қишлоғи ўЭМБ раиси, Кентов шаҳар маслаҳати депутати, ҚХА аъзоси Бекзод Ҳабибов тантанали тақдим этиб, Файзулла ака кифтига тўн ёпди. Кўп йиллик фаол обуначимизни юксак унвон билан таҳририят ҳамда “Оталар чойхонаси” анжумани аъзолари

– нуроний отахонлар номидан самимий муборакбод этамиз. Файзулла Иброҳим ўғли умр йўлдоши Қурбон Малик қизи билан Қаҳрамон, Райҳон, Динора, Элнора, Наримон исмли қобил ва олий маълумотли фарзандлар тарбиялаб, ширин неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳиби. Ш. МАДАЛИЕВ. Тасвирларда: Файзулла Мирзаҳмедов; Республика кўламидаги фахрий унвон сертификати Бекзод Ҳабибов тантанали тақдим этди.

ШИФОКОРЛАРДАН МИННАТДОРМИЗ!



Шимкент шаҳрининг Сайрам мавзесидаги 3-шаҳар шифохонаси сўнгги йилларда ижобий ўзгаришлар туфайли аҳолининг меҳрини қозонмоқда. Сарсен Пернебеков бош шифокор бўлиб келгач, инсулът бўлими очилди, туғруқхона кенгайтирилди. Шифохона ҳудуди асфальтланди, махсус майсазорлар барпо этилиб, беморларга ҳузур бағишлайдиган арчаниннг турли хиллари экилди.



Бугунги кунда турли жарроҳилар амалга оширилаётган хирургия бўлимининг ишлари Ердан Қаратаев бошчилигида янада жонланди. Ёш, лекин тажрибали жарроҳ Алишер Сотволдиев бошқараётган бўлимда турли жарроҳилик амалиётлари муваффақиятли амалга оширилмоқда. Бу ерда барча ўз ишининг устаси, десак, муболаға бўлмайди. Жарроҳлар – Баҳодир Аблатаев, Баҳром Ҳакимжонов, Мавлуд Шукур, уролог – Сарвар Мираметов, катта ҳамшира Нилуфар Ибрагимова, хўжалик ишлари мудираси Нигора Сайдирасулова ва бошқа ходимлардан беморлар миннатдор. Бўлимда 23 ўрин мавжуд бўлиб, биттадан урология ва жароҳатланганлар учун жой ҳам ажратилган. Яқинда Жарроҳилик бўлимига 99 миллион тенгега лазер жарроҳилик ускунаси харид қилинди. Бу янгилик турли касалликларни замонавий усулда даволаш имконини беради.

Хурушид ҚўЧҚОРОВ.

Сариоғоч тумани, Қапланбек қишлоқ округидаги Ташқулақ қишлоғининг турғуни Гулмира Тугелова «Автомобиль таъмирлаш» бўйича қайтарилмайдиган давлат грантини қўлга киритиб, касбини бошлаган. У ажратилган маблагга зарур ускуналар харид қилди. Айни пайтда ушбу фаолият оиланиннг даромад манбаига айланмоқда. Таъмирлаш ишларини Гулмираниннг турмуш ўртоғи Мақсуд Қаратаев бошлаб, устани доимий ишга қабул қилган. Улар хизмат кўрсатиш доирасини кенгайтириш ниятида.

ДАВЛАТ ГРАНТИ – АВТОМОБИЛЬ ТАЪМИРЛАШГА



Сариоғоч туманининг ҳокими Арман Абдуллаев мазкур тадбиркорлик субъектига таширф буюриб, амалга оширилаётган ишлар билан танишди. У давлат кўмаги доирасида ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу лойиҳаниннг қишлоқ иқтисодиётига ижобий туртки беришини алоҳида таъкидлади.

Таъкидлаш жоиз, бу ногирон болани тарбиялаётган оила учун даромад манбаигина эмас, балки, аҳолига фойдали, жамият учун эса муҳим фаолиятдир.

Вилоят минтақавий алоқалар хизмати.


САРИОҒОЧДА ЙЎЛЛАР ЯНГИЛАНМОҚДА

Сариоғоч туманида инфратузилмани яхшилаш, аҳолининг турмуш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли тадбирлар амалга оширилмоқда. Йил сайин долзарб муаммолар босқич-ма босқич ҳал қилинмоқда, йўлларни таъмирлаш ва янгилаш масаласи ҳам доимий эътиборда. 2024 йилда қатор кўчалар асфальтланиб, шағал тўшалди. Жорий йилда ҳам ушбу йўналишдаги ишлар режа асосида амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан туман ҳокими Арман Абдуллаев Жибек жўли аҳоли манзилига қарашли кўчаларда олиб борилган таъмирлаш ишларини кўздан кечирди. Ҳоким йўл қурилиш жараёнидаги ишлар сифати билан танишиб, мутасаддиларга аниқ кўрсатмалар берди. Жибек жўли аҳоли манзилидаги Абай, Қарақулов, Базар Жирау, Мустақиллик ва Тинчлик кўчаларида ўртача таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Лойиҳа учун зарур маблаглар маҳаллий бюджетдан ажратилди, қурилиш ишлари “Real Story Invest” МЧБ томонидан бажарилди.

Сариоғоч тумани ҳокимининг матбуот хизмати.

Хотираобод

САЙРАМНИНГ АСЛ ФАРЗАНДИ ЭДИ



Фахрий устоз, элга таниқли инсон Турсунхўжа Хонхўжаевнинг вафоти биз, сайрамликлар учун оғир жудилик бўлди. У 1933 йил 9 май куни дунёга келди, 1951 йили Сайрамдаги Калинин номи ўрта мактабни, сўнг Тошкент Давлат педагогика институтини таоммлади. Меҳнат фаолиятини Сайрам туманида бошлади ва бутун умрини ёш авлоднинг истиқболига бахшида этди. 16 йил мобайнида мактаб директори, 28 йил илмий мудир лавозимларида хизмат қилди.

Турсунхўжа аканиннг жамоатчилик фаолияти натижасида кўплаб хайрия тадбирлари амалга оширилди. Шунингдек, у бунёдкорлик ва яратувчилик ишларини адо этди, оилаларни мустаҳкамлади. Айниқса, у миллатимиз урф-одатларини мустаҳкамлаш, она тилимизни ривожлантириш, маърака ва маросимларни ихчамлаштириш борасида жонбозлик кўрсатди. Турсунхўжа ака “Жанубий Қозоғистон” газетасининг жамоатчи муҳбири сифатида кўпчилиқни ўйлантирган, тўғри йўлга даъват этувчи мақолалари билан муштарийларининг қалбидан жой олди. Турсунхўжа ака умр йўлдошлари – раҳматли Озодаҳон ая ва Марҳаматхон аялар билан 9 нафар фарзандларни тарбиялаб, вояга етказди. Улар 1999 ва 2004 йилларда ҳаж амаллари билан бажаришди. Фарзандлари маориф ва тиббиёт соҳасида меҳнат қилиб, эл қорига камарбаста бўлишмоқда. У ўзининг диний-маърифий

сабоқлари, маънавий-тарбиявий насиҳатлари, аския санъатини ривожлантиришдаги саъй-ҳаракатлари билан нафақат Сайрамда, балки, бутун Туркистон ҳудудида машҳур эди. Турсунхўжа ака ёзган куйидаги тўртлик унинг ҳаёт йўлининг ёрқин ифодасидир: Ҳар бир киши ишига қараб, Халқ олдида баҳосин олар. Бу дунёда авлодлар учун, Яхшилардан яхшилик қолар! Турсунхўжа ака жамоат ишларида бандлигига қарамай, ижодда ҳам залворли ютуқларга эришди. 2010 йили унинг ташаббуси ва раҳбарлигида Бердиёр Жумаев қаламига мансуб “Сайрамлик дўстлар – улфатлар” номи, 2014 ва 2016 йилларда “Кўрганларим, билганларим, эшитганларим” номи тарихий-маърифий китоблари чоп этилди. Турсунхўжа аканиннг ҳаёти ҳамда самарали фаолияти кўпчилиқка ибрат ва намунадир. У камтарона, беминнат хизматлари учун Жанубий Қозоғистон

вилоят ҳокимлиги, вилоят ва туман таълим бошқармалари, республика, вилоят, туман диний идораларининг фахрий ёрлиқлари, қимматбаҳо совғалари, “Меҳнат фахрийси”, Улуғ Ватан урушида қозонилган Ғалабаниннг 65 йиллиги, 70 йиллиги, “Жамоат фахрийси”, “Жамоат фидойиси” медаллари, шунингдек, Сайрам қишлоғининг фахрий фуқароси унвони билан тақдирланган эди. Ушбу мусибатли кунларда қадрдонимнинг оила аъзолари, қариндош-уруғлари ва яқинларига ҳамдардлик билдириб, таъзия изҳор этаман. Устозимнинг охирати обод бўлсин! Унинг порлоқ хотираси қалбимизда узоқ сақланади.

Эркин АБДУНАҚИБОВ, меҳнат фахрийси, фахрий темирйўлчи.

»» Етмиш ёш шукронаси

МАЪНАВИЙ ПОЙТАХТНИНГ МУНОСИБ ФУҚАРОСИ

ФАОЛ ОБУНАЧИМИЗ, “ЭЛ-ЮРТ ҲУРМАТИ” ОРДЕНИ, “ДЎСТЛИК” МЕДАЛИ ВА
ЯНА КЎПЛАБ МУКОФОТЛАР СОҲИБИ, ТУРКИСТОН ВИЛОЯТИНИНГ ИБРАТЛИ
ФУҚАРОСИ, ТАДБИРКОР МИРЗАХОН МАҲКАМБОЙ ЎҒЛИ АКЕШОВ 70 ЁШДА

Жаҳон аҳли ҳурмат билан тилга оладиган Маккаи Мадина, Бухорои Шариф қаторида тарихий, табаррук Туркистон ҳам бор. 1955 йили 25 октябрда УВУ фахрийси, тажрибали ҳисобчи, меҳнатда яхши кўрсаткичлари сабаб, бир неча идорада ҳалол меҳнат қилиб, рўзгор тебратётган Маҳкамбой ота ва қаҳрамон она Хайринисо ая хонадонида туғилган ўғил чақалоққа яхши ниятлар ила Мирзахон деб исм қўйишди. Ўрта мактабдан сунг темир тартиб ҳукмрон Туркистон локомотив депосида алп поездларни бошқариш орзусида машинистлар тайёрлайдиган ўқув даргоҳида таҳсил олди. Интизом, ишга масъулият, меҳнат-севарлик, пешқадамлик фазилатлари сабаб, юксак ишонч билдирилиб, Туркистон шаҳар кенгашига депутат бўлиб сайланди. Сайловчилардан тушган таклифларни амалга оширишда сидқидилдан хизмат қилиб, эл дуосини олди.



Қозоғистон Мустақилликка эришгач, тадбиркорлик жабҳасида ғайрати мўл укаси Ғайрат билан бамаслаҳат “Малика” аралаш моллар магазини очишди, сўнг “Маҳкамбой ота” фирмаси ташкил этилди. Янги иш ўринлари очилди. Ўша кезлари давлатимиз раҳбари Фармони билан ташкил этилган А. Ясавий номидаги Халқаро Қозоқ-Турк университетининг ўқув бинолари қурилишига зарур ашёларни етказиб, бунёдкорлик жабҳасида муносиб ҳисса қўшганлари шонли тарих.

2018 йили 19 июнда ҚР Тўнғич Президентининг №702 Фармони билан Туркистон шаҳри янгидан ташкил этилган Туркистон вилояти маркази бўлиб белгиланди. 2025 йили 3 март куни Давлат раҳбари Қасим-Жўмарт Кемелули Тўқаевнинг Фармони билан Туркистонга Республика миқёсидаги махсус мақом берилди. Тарихий ва сайёҳлик шаҳарга ҳар йили 5 миллиондан зиёд сайёҳ-зиёратчилар ташрифи учун барча зарур ободончилик, фаровонлик шароитлари муҳайё қилинди. А. Ясавий мақбараси пойида Халқаро Туризм ва меҳмондўстлик университети ўз фаолиятини бошлади. Мақоламиз қаҳрамони фарзандлари Отабек ва Бобурлар саёй-ҳаракатлари билан шаҳар марказида бир

маҳалда жаҳон андазалари даражасида 65 меҳмонни қабуллаб, сифатли хизмат кўрсатадиган, 100 кишини мазали таомлар билан овқатлантирадиган “Меридиан” меҳмонхона мажмуасини бунёд этиб, ишга туширди. Бу ерда, асосан, Туркистонда ўтаётган халқаро, республика, вилоят миқёсидаги мусобақаларга ташриф буюрадиган спортчилар меҳмон бўлишмоқда.



Мирзахон Маҳкамбой ўғли умр йўлдоши Назира Райим қизи билан муслмончиликнинг барча фарзини тўлиқ адо этишган. Шаҳардаги эл бирлиги, ўзбек халқи маданияти тадбирлари ҳамда 107 ёшдаги Ҳамза номли мактаб-

нинг турли анжуманлари тадбиркор укаси, Туркистон вилоятининг ибратли фуқароси Ғайрат Акешов билан ҳиммат ила доимий ҳомийлик кўмагини кўрсатаётгани учун вилоят УЭМБ бошқаруви тавсияси билан ҚР “Дўстлик” ҳамжамиятининг “Дўстлик” медали билан тақдирланганлиги ҳақида газетамиз саҳифаларида эълон қилинганди. Сўхбат чоғида 70 ёшни шукрона ила қаршилаётган, теги бир туркий халқлар



нинг дастлабки йилларидаги барча қийинчиликлар ортда қолди. Эл тинч, юрт фаровон. Шукроналар айтамыз. Ёшлар хунар эгаллаб, билим олишлари, меҳнат қилишлари учун барча зарур шароит яратилган. Тўнғич қизим Мадина мактабни, ХҚТУни аъло баҳоларга тамомлаб, заҳматли меҳнатлари эвазига олимпик даражасига эришди. Аввал ХҚТУда, ҳозир Халқаро Туризм ва меҳмондўстлик университетида профессор унвонида меҳнат қилиб, Буюк Британия ва АҚШ давлатларида илмий лекциялар ўқиганлиги нафақат оиламиз, балки Туркистон учун улкан гурур. Олий маълумотли ўғилларим Отабек ва Бобурлар тадбиркорлик жабҳасида самарали меҳнат қилиб, 40дан зиёд янги иш ўринларини яратди. Насиба қизим ҳам ХҚТУда ўқитувчи. Тўнғич неварам Шохруҳ Нодир ўғли Алматиди КИМЭП университетини тамомлаб, Дубайда магистратурада таҳсил олди. Яна бир неварам Муслима Азиз қизи Назарбаев заковат мактабида аълога ўқимоқда. Туркистон шаҳри ободончилиқ, фаровонлик бобида жаҳон андозаси даражасига эришганлигидан беҳад хурсандман.

Оила — муқаддас кўрғон. Мирзахон Маҳкамбой ўғли умр йўлдоши Назира Райим қизи билан Мадина, Отабек, Насиба, Бобур исмли қобил фарзандлар тарбиялаб, Нодир, Гуласал, Азиз, Рагина исмли ҳам хизматда ҳам иззатда куёв-келиндар, ширин-шакар неваралар кўрган пири бадавлат оила соҳибни.

Ш. МАДАЛИЕВ.

Тасвирларда: Мирзахон Маҳкамбой ўғли оиласи даврасида; профессор қизи Мадина билан; Алматиди ва хорижда олий билим олган иқтидорли тўнғич невараси Шохруҳ Нодир ўғли; шаҳар марказида бунёд этилган “Меридиан” мажмуаси; таниқли тадбиркор укаси Ғайрат Акешов туркистонлик меҳнат фахрийлари даврасида.

P.S. Туркистон шаҳри равнақиға муносиб ҳисса қўшган, ҳиммат ила кўп хизматлар қилаётган Мирзахон Маҳкамбой ўғлини етмиш ёш шукронаси тантанаси билан фаол обуначиларимиз — Баҳодир Ирисметов, Райимжон Қўчқоров раҳбарлигидаги вилоят ва шаҳар УЭМБ, Собиржон Отаев бошқараётган “Ақ жол” корхонаси, Ғайрат Акешов асос солган “Маҳкамбой ота” МЧБ, “Меридиан” меҳмонхона мажмуаси, Дилбар Дийметова бошчилигидаги Ҳамза номли мактаб устозлар, ота-оналар кўмитаси, жорий йил таваллудига 105 йил тўладиган уруш ва меҳнат фахрийси Маҳкамбой отанин Қозоғистон ва Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча фарзандлари, хусусан, СССР Халқ депутати Шароф Ниёзовнинг келини Норжон ҳожи Маҳкамбой қизи, неваралари, қадрдон қудалари қутлаб, самимий ниятларини армуғон этади. 35 ёш арафасидаги она тилимиздаги расмий нашр — “Жанубий Қозоғистон” газетаси тахририяти обунада фаол Мирзахон Акешов номига йўлланган барча холис ниятлар ижобатига тилақдош.



Тўлебий туманида турк этномаданият бирлашмаси томонидан «Дўстлик байрами» ташкил этилди. Тадбир аввалида кўп йиллар давомида бирлашмага фидойилик билан раҳбарлик қилиб келган Мухтазим Таировга эҳтиром кўрсатилди.

ДЎСТЛИК ЭЛЧИСИГА ЭҲТИРОМ



Тантанада туман ҳокимининг ўринбосари Бағдатбек Жанғазиев, туман маслаҳати раиси Нурлан Қўйбағаров, жамоатчилик ва турли миллат вакиллари иштирок этди. Улар Мухтазим Абдулла ўғлининг юрда барқарорлик, дўстлик ва бирдамлик муҳитини мустаҳкамлашдаги хизматларини юксак баҳоладилар.

— Сиз раҳбарлик қилган турк этномаданият бирлашмаси турли миллат вакиллари ўртасида ўзаро ҳурмат ва ишонч муҳитини яратишга, маданий хилма-хилликни сақлашга ҳамда халқлар дўстлигини мустаҳкамлашга муносиб ҳисса қўшди. Бу соҳада 15 йилдан зиёд самарали меҳнат қилдингиз. Шу боис, сизга “Тўлебий туманининг фахрий фуқароси” унвонининг берилиши адолатли ва муносиб баҳодир, — деди ўз табригида туман ҳокимининг ўринбосари Б. Пердебайули.

Тадбир давомида туман раҳбарияти номидан эсдалик совғалар топширилди, саимий тилақлар изҳор этилди. Шунингдек, турк этномаданият бирлашмасининг янги раҳбари этиб Айдамир Мухтазим ўғли бир овоздан сайланди ва у расман ўз фаолиятини бошлади.

Тадбир якунида Мухтазим Абдулла ўғли ёш авлод вакилларига самимий дуо бериб, уларни Ватанга муҳаббат, тинчлик ва тотувлик йўлида фидойи бўлишга чорлади.

Отабой РАҲИМҒОЗИЕВ,
жамоатчи мухбир.

»» Ойнома

Ақраб кириб келмоқда

ЎЗБЕКЧА — ЧАЁН, ФОРСЧА — КАЖДУМ,
ЎРИСЧА — СКОРПИОН, АРАБЧА — АҚРАБ.
МУДДАТИ 21 ОКТАБРДАН 18 НОЯБРГАЧА, 29 КУН.
ШУ МУДДАТ ОРАЛИГИДА ТУГИЛГАНЛАР
БУРЖ ҲИСОБИДА АҚРАБДИР.



Минтақамиз иқлим шароитига кўра, бу ой ҳароратнинг бир қадар пасайиши ва ёғингарчилик билан бошланиб, аста-секин қиш совуқлари билан уланиб кетади. Шунинг учун ҳам қишлоқ кишилари орасида: “Мезон ўтди, ёмғирдан нам қолди, ақраб кирди, илиқ кунлар кам қолди”, “Қузги донни ақрабгача майсалат”, “Дехқон бўлсанг, шудгор қил”, “Токни ақрабгача кўммасанг, панд ёйсан”, дейилган гаплар юради.

Мулоҳаза билан ўйлаб қарасангиз, юқоридаги гапларда анчагина ҳикмат бор. Ақрабгача майсаламай, тупроққа қоришиб, намиқиб, тўлишиб турган дон ер музлаши билан тамом бўлади. Кўмилмай қолган ток новдалари, баъзи йиллар мевали дарахтларнинг новдалари ва куртакларини совуқ уради. Шу сабабли бўлса керак: “Хушёр бўл, бекорга чаён демаганлар бу ойни”, дея огоҳлантиришди кексалар.

Халқ ҳисобдонлари, хусусан, кексалар (энди бундайлар жуда оз қолди) табиат, шунингдек, қушлар ва бошқа жонворлар хатти-ҳаракатига қараб бошқа ойлар қатори ақраб об-ҳавосини олдиндан анча тўғри айта билганлар. Чунончи:

- Қора қарғалар шудгор ва бошқа кенг майдонларга ёйилиб донлайверса, тез орада ҳаво айнийди, ёғингарчилик бўлади.
- Олақарға келди, қиш яқин. Агар у дарахт, симёгочлар ёки бошқа бир баландроқ жойга қўниб олиб, қагиллайверса, ёғингарчилик яқин.
- Ҳадеганда дарахтлар барги тўкилавермаса, қиш қаттиқ келади.
- Дарахт барги учидан тўкилса, қиш мўътадил келади.

Халқ таомилида яна бир гап бор. Баъзи йиллар бу ходиса жуда сийрак кузатилса ҳам, ақрабда дафъатан қақмоқ қақиб, момақалдироқ гулдирайди. Бундай пайтларда: “Тамом, қиш бола ташлади”, дейишди кексалар. Яъни ақрабда момақалдироқ кузатилса, қиш қаттиқ келмайди.

Хайрилла ҚОСИМОВ,
“Фасллар хосияти” китобидан.



Директор – Бош муҳаррир Райимжон Ортиқбой ўғли АЛИБОВЕВ.		Масъул шахслар: Туркистон, Саверон – Шомирза МАДАЛИЕВ. +7701-610-51-22 Қазигурт – Хуршид ҚҮЧҚОРОВ. +7701-447-37-42 Сайрам – Зокиржон МҲМИНЖОНОВ. +7702-278-96-90 Тулкибош – Мунира САЪДУЛЛАЕВА. +7742-144-60-71 Жетисай, Мақтарал – Мухтабар УСМОНОВА. +7701-257-36-97 Келес, Саригоч – Малика ЭЛТОЕВА. +7702-841-78-82 Кентош, Сўзоқ – Рўзиохун МАДАЛИЕВ. +7708-824-20-97	
Бош муҳаррир ўринбосарлари: Муроджон АБУБАКИРОВ. Авазхон БҮРҒОНБОВЕВ.		Муассис – Туркистон вилояти ҳокимлиги. Мулк эгаси – “Жанубий Қозоғистон” вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси тахририяти” масъулияти чекланган биродаларлиги.	
Масъул котиба – Шаҳноза УСМОНОВА.		● Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир. ● Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.	
		Газета ҚР Маданият ва ахборот вазирлиги томонидан 2020 йил 21 апрелда рўйхатга оlinиб, КҚ34VPU00022503 гувоҳнома берилган. “ERNUR-print” МЧБ бошқарувида chop этилди, Шимкент шаҳри, Т. Алимқулов кўчаси, 22.	
		Қозоғистон Республикасида тарқатилади.	
		Манзилими: 160000, Шимкент шаҳри, Тауке хан шоҳқўчаси, 49-уй, 3-қават. Телефон: 78-13-27, +7778-618-39-05. Электрон почта: janubiy@inbox.ru	
		Нашр кўрсаткичи – 65466. Адади – 10500 нуска.	
		Бўғим: 2391. Навбатчи муҳаррир: Наргиза МАВ.ЮНОВА.	